



ИШОНАЧ

10

1994
йил
5—11
март
(152)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, МУҲТАРАМА ОНАЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

АЁЛЛАРИМИЗ ҳақида қанча гўзал ва жозибали сўзлар айтсак, шунча кам. Улар ҳаётимиз кўрки, файзи, абадият тимсоли. Улардаги ифбат, ҳаё, назокат, вафодорлик, сабру бардош, меҳру муҳаббат туйғулари бизни эзгу мақсадларга — Ватанни, ҳаётни севишга илҳомлантириб туради. Хотин-қизларимизнинг ажиб фазилатлари, бой маънавий олами, ташқи гўзал қиёфаси минглаб китобларда, ўлмас ғазалларда тўлиб-тошиб тараннум этилган.

(Аёлларимиз байрамга бағишланган материалларни газетанинг 4 ва 5-саҳифаларида ўқийсиз).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Фаргона вилояти касба уюшмалари фаолларининг йиғилишида вилоят кенгаши бўлим мудирлари, вилоят тармоқ касба уюшмалари кўмиталари, туманлардаги мувофиқлаштирувчи кенгаш раислари, касба уюшмалари фаоллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Х. Б. Жамолов кенгаш раёсатининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб берди. Хусусан, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича касба уюшмалари олдида турган долзарб масалалар тўғрисида ҳам батафсил тўхталди. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан республика касба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий масалалар,

1993 йил учун тузилган Битимнинг бажарилиш якунлари, 1994 йил Битими лойиҳасидаги асосий йўналишларни ифодалаб берди. Шунингдек, вилоят, туман касба уюшмаларининг ҳокимликлар билан корхоналар, хўжаликларда тузиладиган жамоа шартномаларида ҳам меҳнатқашлар манфаатларини изчил ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар кенг ўрин олишига эришиш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтди. Ўзбекистон касба уюшмаларининг бўладиган XV қурултойига, ҳисобот сайловлар компаниясини ўтказишга тайёргарликни кучайтириш борасидаги вазифалар устида ҳам тўхталди.

Вилоят касба уюшмалари кенгаши раиси А. Н. Мансуров ўз сўзида халқ эҳтиёжидан келиб чиқаётган муаммоларни ҳал этишда касба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг жанговорлигини ошириш

масаласини ўртага ташлади.

Йиғилишида республика касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси муовини З. И. Қодиров, ташкилий бўлими мудирини Ж. Л. Олимхўжаева қатнашдилар.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Х. Б. Жамолов Фаргона вилоятидаги "Чимён" санаторийсига бориб, даволанувчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишди. У вилоят касба уюшмалари ҳамда ёпорт иншоотлари қурилиш бошқармаларида бўлди. Тошлоқдаги спорт кийимлари тикиб чиқарадиган трикотаж фабрикаси билан танишди. Меҳнатқашлар, касба уюшмаларининг фаоллари билан сўхбатлашди.

Т. АЛИМОВ,
"Ишонач" мухбири.

ДАВР ТАЛАБИ

Андижон вилояти касба уюшмалари бирлашмаси кенгашининг мажлиси меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми ҳамда унинг мустақкам йўриқлари ҳақидаги асосий масалани таҳлил қилиш билан бошланди. Бирлашма раиси М. Ғ. Музаффарова иш-чи-хизматчиларнинг меҳнат интизоми юрт бойлигини оширишда, тараққиётни юксалтиришда нечоғли аҳамиятли эканини айтarkan, улардан интизом талаб қилиш учун иш ва яшаш шароитларини яхшилаш зарурлигини уқтирди. Бу борада вилоятдаги бир неча корхона ва ташкилотлардаги пасайган иш унумдорлиги сабабларини издан чиққан интизомга боғлади.

Музокараларда транспорт, савдо, маиший хизмат, тиббиёт соҳасидаги камчиликлар, дам олиш уйлари ва санаторийлардаги носоз ҳолатлар рўй рост

айтилди.

Мажлис аҳли вилоят касба уюшмалари бирлашмасининг 1993 йилги фаолияти ва 1994 йил режалари ҳақида ҳам гаплашиб олдилар. Мажлисда иштирок этган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Х. Б. Жамолов бозор иқтисодиётининг мураккаб шароитида хизмат масъулияти ортган касба уюшмаларининг вазифаси, халқнинг ижтимоий ҳимоячиси бўлиш учун зарур ишчанлик, зийраклик, фидойилик зарурлигини таъкидлади.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Кенгаш мажлисида вилоят ҳокимининг муовини Н. Ш. Саидов қатнашди.

Ўзбекистон касба уюшмалари

Федерацияси кенгаши раиси Х. Б. Жамолов Андижон вилоятидаги Марҳамат туманида қурилаётган санаторийни бориб кўрди. Нефтчиларнинг Полвонтошдаги тиббиёт санитария шаҳобчасининг саломатлик посбонлари иши билан қизиқди. Бу ерда қурилаётган санаторий-профилакторий, Асакадаги Қурия билан ҳамкорликда қурилаётган ДЕУ автомобилсозлик заводида ҳам бўлди. Хонобод шаҳридаги даволаниш масканини кўздан кечирди. Андижон-Хонобод сув иншооти, Кабель заводи жамоаси қилаётган ишлар "Промэнергомонтаж"га қарашли санаторий-профилакторийдаги ишлар билан танишди. Ишчилар, хизматчилар билан сўхбатлашди.

Х. Б. Жамоловга вилоят касба уюшмалари бирлашмаси раиси М. Ғ. Музаффарова, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Ю. Юсупов, ҳоким ўринбосари Н. Ш. Саидов ҳамроҳ бўлдилар.



Хабарлар тағзи

• 1994 ЙИЛНИНГ 1 мартдан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон чиқарди.

Фармонга кўра иш ҳақининг энг оз миқдори 45 минг сўм-купон қилиб белгиланди. Меҳнат пенсияларининг энг оз миқдори ойига 48.675 сўм-купон қилиб белгиланди ва ҳозирги амалдаги барча турдаги пенсиялар миқдори 1,5 баравар оширилди. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва хунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ҳам 2, 3 баравар оширилди.

• РОССИЯ Президенти Ельциннинг таклифига мувофиқ мамлакатимиз Президенти Ислом Қаримов Россия Федерациясига расмий давлат ташрифи билан борди. Ташриф чоғида ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка оид кўпгина масалалар муҳокама қилинди. Иқтисодий интеграцияни кучайтиришга қаратилган мувофиқлаштириш тўғрисида ва бошқа бир қанча битимлар имзоланди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 5 мартни иш куни деб эълон қилди ҳамда дам олиш кунини 1994 йил 7 мартга кўчириш ҳақида қарор қабул қилди.

• ЖИЗЗАХ вилояти Зомин тумани ешларининг ва Самарқанд шаҳар Боғишамол туманидаги 9-мактаб ўқувчиси Баҳора Аҳмедованинг мактубларига мамлакатимиз Президенти Ислом Қаримов жавоб хати йўллади.

• АБУ АЛИ ибн Сино номидаги Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш маркази иш бошлади.

Ҳар қандай халқаро анжуман, аввало, тинчлик ишига хизмат қилиши керак. Олис Америка қитъасида бўлиб ўтган маъмур учрашув касба уюшмалари кучларини жиқлаштириш ва уни тинчлик, халқлар бахт-саодати ва ижтимоий тараққиёт йўлига хизмат қилдиришда янги қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритиб, демократик жамият барпо этишга киришди. Республикада ўз истиқлол ва тараққиёт дастуримизни амалга оширишда кўрилатган чора-тадбирлар ҳаётимизнинг барча соҳаларида кутилган ижобий самаралар бермоқда. Халқ хўжалиги Президентимиз Ислоҳ Абдуганиевич Каримов таклиф қилган йўналиш асосида бозор муносабатларига ўтмоқда. Давлатимиз, энг аввало, аҳолининг ижтимоий мададга муҳтож бўлган табақаларини муҳофаза қилишни ўз зиммасига олди. Бу — иш ҳақи ва пенсияларнинг энг оз миқдорларини кафолатлаш, ҳаётини муҳим маҳсулотлар билан меъёрланган миқдорда таъминлашни ташкил этиш ва бошқа кўплаб тадбирларни амалга оширишда ўз ифодасини топди.

Тараққиётнинг мураккаб даврларини бошидан кечираётган Ўзбекистон касба уюшмалари ҳам ислохотларда бевосита иштирок этиш билан юртбошимиз олиб бораётган сиёсатни тўлалигича қўллаб-қувватлаб, уни амалга оширишда елкадош бўлиб келмоқда.

Янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда касба уюшмалари фаолиятлари муаммолари жиҳатидан СССР тугатилиши билан вужудга келган ёш мустақил давлатларнинг барчасида кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшашлик бор. Янги ишлаш мустақиллигини ва у билан боғлиқ бўлган юксак масъулиятни ҳис қилиш, жаҳон касба уюшмалари ҳаракати тажрибаларини амалий тарзда ўрганишни, барча мамлакатлар меҳнатқашларининг энг оммавий ташкилотлари тажрибасидан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Мамлакатимиз касба уюшмалари фаолиятининг ўзига хос томонлари мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари учун умумий бўлган муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш билан бирга, республикамиз аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга тўла имкон яратади. Юртбошимизнинг касба уюшмалари фаоллари билан учрашувларида ички ва ташқи сиёсатга оид асосий қарашлари, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш дастурларини амалга ошириш йўллари устида фикр алмашувлар бўлаётгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Президент ислохотларни ўтказишда катта таянч ҳисоблаган касба уюшмалари билан маслаҳатлашни лозим топганини очикдан-очик айтади. Бозор иқтисодиёти қийинчиликларини бартараф этиш юзасидан унинг ўртага ташлаган таклифлари Марказий Осиё давлатлари шароитида айниқса муҳимдир. Бу муҳимлик мавжуд қийинчиликларни рўй-рост англаш, аҳолисининг ярмидан ортиги 18 ёшгача, оила аъзолари сон жиҳатдан Европа мамлакатларидан деярли уч баробар ортиқ бўлган республикамизда бу принцип нақадар аҳамиятлидир. Пахта яккахокимлиги сабабли ҳаётини зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам, издан чиққан иқтисодиётимиз тизимини қайта

йўлга солишлар ҳам ҳозир ташқи бозор билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай Ислоҳ Абдуганиевич Каримов меҳнатқаш аҳоли манфаатларини ҳимоя қиладиган кучли ижтимоий сиёсат олиб бораётгани туфайли, мамлакатимизда осойишталик, барқарорлик, фуқароларнинг тотувлиги таъминланиб, миллатлараро можароларнинг олдини олиш имкони яратилаётгани



Америка Қўшма Штатларидаги учрашув ва суҳбатларда ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан бошлаб республика касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши яқин ва узоқ чет эл касба уюшмалари марказлари билан мустақил алоқалар ўрната бошлади. Бу

гуннинг ўзида Марказий Осиё ва Қозоғистон, Россия, Беларусь, Украина касба уюшмалари билан икки томонлама алоқалар ўрнатилганлиги фикримизнинг далилидир. Шу қисқа давр мобайнида биз Франция, Ҳиндистон, Хитой, Корея, Исроил, Эрон, Вьетнам ва бошқа давлатлардан 36 та касба уюшмалари делегацияларини қабул қилдик. 65 нафар вақилимиз алоқалар ўрнатиш ва тажриба ўрганиш учун қатор мамлакатларга бориб келди. Республика касба уюшмаси марказий касба уюшмаларининг Бутунжаҳон Федерацияси, Халқаро Меҳнат ташкилоти ишида ҳам фаол иштирок этаётир. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, бозор иқтисодиёти шароитида иш тажрибаларимизни янада ортишига ёрдам бермоқда.

Флоридадаги маъмур учрашувда касба уюшмаларининг халқаро ҳамкорлиги, МДХ мамлакатлари иқтисодий тараққиётига жаҳон иқтисодиётининг таъсири, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг муҳим масалалари ва касба уюшмаларининг бу борадаги ўрни юзасидан ахборотлар алмашишди. МДХ мамлакатлари билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари каби масалалар ҳам муҳокама этилди. "Бозор иқтисодиёти шароитида сугуртанинг аҳамияти", "АҚШда касба уюшмаларига тааллуқли сугурта компанияларининг ташкил этилиши", "Сугурта имтиёзлари ва касба уюшмалари" мавзусидаги маърузалар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Учрашувда Майями университети иқтисодиёт профессори Манфред Ледфорд, Дэвид Левинсон, Ричард Коллинс, Даниэл Кох, Уилфрид Манго сингари шу соҳанинг таниқли олимлари ва тажрибали мутахассислари иштирок этдилар. Томонлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Савол-жавоблар қизиди. Халқаро маъмур анжуман билимларимизни бойитиш, назарий ва амалий тажрибалар орттиришимиз учун беқиёс аҳамият касб этди.

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИҚМАТ КЎП

дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси

Кенгаши раисининг муовини, АҚШнинг Флорида

штатида бозор иқтисодиёти ва сугурта масалаларига

бағишланган анжуман қатнашчиси

Қудратилла РАФИҚОВ.

Табиат уйғониб, олам янги либос ила бурканаётган шу кеча-кундузда, айниқса, аёллар гайрати ва шижоатида бир буюклик бор. Улар бугунги ишни эртага қолдиришни асло ёқтиришмайди. Учқур замон билан қалқиб, чайқалиб, талмовсираб қолишни исташмайди. Шунинг учун ҳар бир янгиликни бугун рўёбга чиқариш ҳаракатида, ҳар қандай мушкул ишни вақтида битириш тараққулида. Ўзбекистон электр аппарати ишлаб чиқариш бирлашмасида асосий юмушларни ана шундай аёллар адо этишади. Суратда: йигув цехи ишчилари С. Бойматова билан В. И. Тутсеновнинг ҳам бир нафас тиним билмай жадал ишлаётган пайтлари.

Даврон Аҳмад олган сурат.



МЕҲНАТҚАШЛАР МУҲОФАЗАСИ

БОЗОР иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолига ижтимоий-иқтисодий ёрдам бериш касба уюшмаларининг муқаддас вазифаларидан биридир. Навоий вилояти касба уюшмалари амалга ошираётган бу борадаги ишлар ҳақида сўзлаб бериши учун мухбиримиз бўлим мудури Йўлдош ШОДМОНОВГА мурожаат қилди.

БўЛИМИМИЗ зиммасига уруш ногиронлари, фахрийлар, Афғон уруши қатнашчилари, Чернобыль атом электростанцияси ҳалокатини бартараф этишда қатнашганлар, кўзи ожизлар ҳамда боқувчисини йўқотган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг оғирини енгили қилишдаги масъулиятли вазифа юклатилган.

Биз ишлаб чиқариш ва иш ҳақи, транспорт, алоқа хизматлари, уй-жойларнинг тўғри тақсимланиши, савдо ва маиший хизмат маданияти, ёрдамчи хўжаликлар, жойларда жамоа шартномаларининг қабул қилиниши ҳамда уларнинг бажарилиши билан ҳам шугулланамиз...

— Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича касба уюшмалари кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ўртасида тузиладиган битим лойиҳаси ва унинг бажарилиши хусусида аниқроқ тушунча берсангиз...

— Лойиҳани тайёрлаш жараёни бир қарашда оддийдек туюлади. Лекин унинг ўзига яраша мураккаб томонлари бор. Вилоят касба уюшмалари қўмиталари, вилоят ҳокимлигининг барча бошқармалари билан ҳамкорликда битим лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар тўплаб, раёсат йиғилишига тақдим этамиз. У вилоят ҳокимлиги йиғилишида тасдиқланиб, кучга киради. Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вилоят ҳокимлиги ва вилоят касба уюшмалари кенгаши ўртасида тузилган қўшма битими 1993 йилда асосан бажарилди. Жумладан, битимда кўрсатилган Хатирчи туманидаги "Учқора" болалар оромгоҳи вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси ихтиёрига топширилган, қайта таъмирланиб, унда 100 нафардан зиёд ногирон болалар соғлиқларини тиклаб қайтдилар. Қизилтепа тумани А.Навоий номидаги жамоа хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига асосан 100 киши дам олишига мўлжалланган сўхатгоҳ қурилиши бошлаб юборилган. Хатирчи туманидаги "Челаш" қишлоғида бундан ўн йил илгари 250 сув манбаи топилган эди. Бу ерда 1991 йилда оналар ва болалар сўхатгоҳи қурилиши бошлаб юборилган. Маъмур иншоотни қуриб битказишни ўз зиммасига олган "Ўзқолхозсаломатлик" бошқармаси жамоа хўжалиқларининг марказлаштирилган ижтимоий сугуртаси ҳисобидан 1990 йилда 500 минг, 1991 йилда 1 миллион 307 минг, 1994 йилда ҳам кўплаб маблағ ажратишни режалаштирганди. Мана, йиллар ўтапти ҳамки, режалар қозғога қолиб кетаяпти.

Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш ҳар қандай қийин шароитда ҳам пайсалга солинмаслиги керак.

— Тармоқ касба уюшмалари олиб бораётган ишлар қандай борапти?

— Вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси ташаббуси билан 9 давлат хўжалигида мулкка эгаллик шакли ўзгартирилиб, жамоа хўжалигига айлантирилди. 4 та чорвачилик фермаси меҳнат жамоалари ихтиёрига берилди, 20 дан зиёд ферма хусусийлаштирилди. Чорвачилик ва деҳқончиликнинг турли соҳалари бўйича 400 дан зиёд деҳқон хўжалиги, шу жумладан, 286 мустақил деҳқон хўжалиги тузилди. Улар ихтиёрига 2 минг гектар сугурилладиган ер ажратилиб, 10,3 миллион сўм имтиёзли қарз берилди.

4 тегирмон, 4 умумий овқатланиш шаҳобчаси, 10 та нонвойхона, 24 саргарошхона, 2 та тикувчилик цехи, 12 та қассобхона, 10 та вулканизация хусусийлаштирилди.

Вилоят халқ таълими ва фан ходимлари касба уюшмаси қўмитаси Навоий, Нурота шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ўқитувчиларнинг шаҳар транспортдан бепул фойдаланишларини йўлга қўйди. Нурота туманида истиқомат қиладиган қишлоқлардан шаҳарларга қатнаб ишловчи шифокорлар ҳам туман ҳудудидаги автобуслардан текин фойдаланишмоқда. Зарафшон шаҳар ўқитувчилари эса Навоий тоғ металлургия комбинати ҳисобидан кунига бир маҳал бепул овқатланишади.

Меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш бундан буен ҳам бизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Суҳбатдош: Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ишонч" мухбири.

Бир пайтлар Тошкент вилоятининг довуғи доvon ошган эди. Илгор ташаббуслар шу вилоятда тугилиб, кейин бошқа хуудларга қанот қоқарди. Ишлаб чиқариш илгорлари тўплаган бой тажрибалар бутун республиканинг мулки бўлиб қоларди. Мамлакатнинг барча меҳнаткашлари тошкентликларга тенглашишга интилардилар.

Хўш, энди-чи? Вилоят кейинги йилларда ўша мавқеини қўлдан бериб қўйди. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўсиш ўрнига пасайиш бошланди. Шу боисдан ҳам халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 1993 йил 9 декабрда бўлиб ўтган XIV сессиясида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳволни соғломлаштириш масаласи жиддий тарзда талабчанлик билан муҳокама этилди. Вилоятга янги ҳоким ва ҳокимнинг биринчи муовини сайланди. Президентимиз И. А. Каримов сессияда катта нутқ сўзлаб, мавжуд аҳволни чуқур таҳлил этиб берди. Депутатлар ва барча меҳнаткашлар эътиборини бугунги кундаги ва истиқболдаги вазифаларга қаратди.

Ўша сессиядан сўнг орадан маълум вақт ўтди. Шу давр ичида вилоятда қандай ўзгаришлар рўй берди? Мухбиримизнинг вилоят ҳокимининг биринчи муовини Эркин Маҳмудович РЎЗИЕВ билан суҳбати шу саволдан бошланди.

— Ҳақиқатдан ҳам халқ депутатлари вилоят кенгашининг XIV сессияси вилоятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Президентимиз И. А. Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқи вилоят ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётини соғломлаштиришда биз учун амалий дастур бўлиб қолди.

Вилоят ҳокимлиги Президент нутқида ва сессияда сўзга чиққан депутатлар бил-дирган фикр-мулоҳазаларни бажариш юзасидан тезда тадбирий чоралар ишлаб чиқди. Барча туман ва шаҳар фаоллари йиғилишида кенг муҳокама этилди. Бутун эътибор ҳамма жойда тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга қаратилди.

Вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари жойлардаги аҳволдан мунтазам хабардор бўлиб туриш ва зарур амалий ёрдам кўрсатиш учун шаҳар ва туманларга бириктириб қўйилди. Ҳокимликларда иш юритиш маданияти ва ижрочининг аҳволи ёппасига текширувдан ўтказилди. Кадрларга нисбатан талабчанлик оширилди. XIV сессиядан сўнг олти туман ва битта шаҳарга янги ҳокимлар тайинланди. Бир қатор бошқарма, корхона, хўжалик раҳбарлари янгиланди. Кадрлар корпусини соғломлаштириш сиёсати бундан буён ҳам давом этади. Бизга янгиликни ҳис этувчи, ташаббускор ва тадбиркор кадрлар керак. Уларни излаш ва ўз қобилиятига яраша иш билан таъминлаш.

— **Кадрлар корпусидаги ўзгаришларнинг самараси сезилаётми?**

— Албатта. Янги тайинланган кадрлар ҳам, ўз ишини ислохотларга мослаб ташкил этаётган бошқа раҳбарлар ҳам оммани Президентимиз нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни бажаришга сафарбар этмоқдалар. Ҳамма жойда тадбиркорлик қўллаб - қувватланмоқда.

Бажарилаётган ишларни кўриб вилоят ниҳоятда катта имкониятларга эга эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Лампочка, дазмол, радиатор, аккумулятор, автошина... Бундай зарур молларни илгари четдан ташиб келтирган бўлсак, бугунги кунда уларни вилоятимиз корхоналари ишлаб чиқараёпти. Қўшма ва кичик корхоналар, янги цех ва филиаллар сони ой сайин кўпайиб бораёпти. Улар ишлаб чиқараётган турли хил кенг халқ истеъмол моллари секин-секин пештахталарни тўлдириб бораёпти.

Биргина "Ўзбекрезинатехника" ишлаб чиқариш бирлашмаси бу йил 12 миллиард сўмликка яқин кенг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш топширигини олган. Улар орасида калиш ҳам, автошина ҳам, резинадан ясалган қисмлар ҳам бор. "Оҳанггароншифер" корхонасида эса маҳаллий хомашедан текис шиферлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қурилиш-пластмасса комбинатида пластмассадан идиш-товуқлар, "Трепликс" ширкатида маҳаллий хомашедан енгил

автомашиналар учун пешойналар ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилаяпти. Олмаликдаги "Аммофос" ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлса гўзапоядан ноёб ДВП плиталари ишлаб чиқаришга киришди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ишлайман деган кадрларга вилоятимизда ишлар кўп. Янги тайинланган раҳбарлар шуни ҳал этган ҳолда ҳаракат қилмоқдалар ва яхши натижаларга эришмоқдалар.

Хабарингиз бор, кейинги йилларда



БУРИЛИШ ЙИЛИ

Ангрен кўмир разрезини қоқоқ корхоналар қаторига тушиб қолган эди. Кўмир қазиб олиш камайиб кетди, аҳолини ёқилги билан таъминлаш ёмонлашди. Бу муҳим участкадаги аҳволни яхшилаш учун ишни кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдан бошладик. Кўп кадрларни ўргандик ва ниҳоят Иброҳим Тенглашевни танладик. Тадбиркор мутахассис ҳар ҳафтада иш натижаларини муҳокама этиб борди, қайси участкага қандай ёрдам кераклигини аниқлади. Кучларни қоқоқ участкаларга жамлади. Техникадан фойдаланиш самарадорлигини оширди. Шу тарихда январь ойи топширигининг ортиги билан бажарилишига эришди. Февраль ойи натижалари яна ҳам яхшироқ бўлаяпти.

Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинатининг директори Эшмурод Пирматов, Янги Ангрен ГРЭСИ директори Эргаш Шоисматов ҳам ишончли оқлашаяпти. Улар катта жамоаларга бош бўлган бутун эътиборни иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, корхоналарнинг бир маромда ишлашини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар. Айтмоқчи, рўзгор лампочкалари ишлаб чиқаришни биринчи бўлиб мана шу қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинати жамоаси ўзлаштирган эди. 1995 йилга бориб бу ерда 50 миллионга лампочка ишлаб чиқариладиган бўлади. Умуман, корхонада турли хил уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми салкам 6 миллиард сўмликка етказилади.

Эндиликда вилоят ҳокими ҳузуридаги маслаҳат кенгашида, халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида раҳбар кадрларнинг ҳисоботларини тинглаб боришни режалаштирамиз. Яқинда бўлиб ўтган XV сессиямизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 28 июндаги "Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида"ги Фармонини

бажариш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида "Тошкентвилоятгаз" бошқармаси бошлиги Л. Пяк ўртоқларнинг ҳисоботларини тингладик.

Ҳисоботлар юзасидан сўзга чиққан депутатлар Президент фармони вилоятда ниҳоятда секинлик билан бажарилаётганлигини таъкидладилар ва ҳар иккала раҳбар фаолиятига қониқарсиз баҳо бердилар. Бундан буён ҳам кадрлар фаолиятини танқидий кўз билан таҳлил этиб, тегишли баҳоларини бериб борамиз.

— Президентимизнинг вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида янги вазифа — **йирик саноат корхоналарининг қишлоқларда филиаллар ва цехларини ташкил этиш вазифаси қўйилди. Шу вазифани бажариш йўлида қилинаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Шаҳарни қишлоққа яқинлаштириш масаласини Президентимиз жуда ҳам тўғри қўйдилар. Бу масала ҳал бўлса биринчидан, қишлоқлардаги ишсизлар сони камаёди, иккинчидан, истеъмол бозори янги хил молларга тўлади, учинчидан, қишлоққа шаҳар маданияти кириб

Хабарингиз бор, рангли металл саноатида маъданларни бойитиш фабрикаларига майдалаб берувчи темиршарларни биз Россия, Украина корхоналаридан олиб келар эдик. Лекин иқтисодий алоқалар узилгач, шарларнинг келиши тўхтаб қолди. Шундан кейин Ўзбекистон металлургия заводида шаропрокат цехини қуришга киришдик. Бу ерда тайёрланадиган шарлар миқдори йилига 100 минг тоннага етказилади. Улар Олмалик, Навоий кон-металлургия комбинатларининг бойитиш фабрикалари учун жуда ҳам зарур.

Саноатнинг "А" гуруҳига кирувчи бошқа корхоналарда ҳам қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш чораларини кўраёلمиз.

Вилоятнинг барча саноат марказлари, шу жумладан, пойтахт аҳолиси ҳам тошкентлик деҳқонлар ва чорвадорларга умид кўзи билан боқмоқдалар. Улар дўкон ва бозор пештахталари қачон деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларига тўлар экан, деб сўрамоқдалар.

— Деҳқонларимиз ва чорвадорларимиз шаҳарликлар олдида қарздорлар. Кейинги йилларда савзабот, картошка, мева, узум, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш режалари бажарилмади. Қишлоқ хўжалигида ислохотлар жуда ҳам секинлик билан амалга оширилмоқда.

Бу йил деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда кескин бурилиш йили бўлади, деб умид қилмоқдамиз. Яқинда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик ходимлари ўқувига, Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хава номидаги халқ корпорациясида ўтказилган семинар-кенгашда ўтган йил якунлари танқидий кўз билан таҳлил этилди ва бу йилги вазифалар белгилаб олинди.

Чорвачиликдаги аҳволни яхшилаш йўллари изланмоқда.

Кейинги йил ичида вилоятда қорамоллар 33 минг бошга камайиб кетди. Эндиликда чорва моллари сонини ва давлатга сотиладиган маҳсулотлар ҳажминини 1990 йилдаги даражага етказиб олиш вазифаси қўйилмоқда. Бу соҳада йиғилиб қолган муаммолар Ўрта Чирчиқ, Пискент, Бекобод туманларида бўлиб ўтган зона семинар-кенгашларида муҳокама этилди. Вилоят ва туман раҳбарлари, мутахассислари қоқоқ фермаларга бириктириб қўйилди. Барча фермалар кўздан кечирилиб, кўплари таъмирланмоқда, фермер хўжалиқларига айлантирилмоқда. Соғувчилар ва молбоқарлар учун қулай шароитлар яратиб берилмоқда.

Кўрилган тадбирлар январь ойида дастлабки самараларини берди: ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 237 тонна гўшт, 206 тонна сут кўп ишлаб чиқарилди.

Ҳозир вилоят ташкилотлари фермерларга оталик ёрдами кўрсатмоқда. "Тошвилоятйўловчтранс" концерни, вилоят матбуот жамияти, "Вилоятқишлоқкиме" бирлашмаси ёрдамидан чорвадорлар мамнун бўлмоқдалар. Бундай ҳамкорлик сўзсиз, чорвачиликни ривожлантиришга хизмат қилади.

1994 йил вилоятимизда катта ўзгаришлар бўлади. Тошкент шаҳри ва Жанубий Қозоғистон вилояти билан тузилган шартномаларда мавжуд муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш йўллари белгилаб олинган. Дўстлар кўмаги ва халқимиз меҳнати билан вилоят яна олдинги сафлардан ўрин олишига умидвормиз.

— **Яхши ният йўлдошингиз бўлсин!**

— Раҳмат.

Суҳбатдош: Саидзим
ШАРОФХОНОВ.

ШАХРИЗОД Бекашева тўқиган гилам, шолча, гилам зардеволлар... Аёлнинг нозиккина қўли катта қалбдаги катта муҳаббатни шу қадар маҳорат билан кўчирганки, беихтиёр кўкларнинг энг гўзал боғига тикилиб, ҳайратланасиз. Шаҳризод оддийгина қишлоқ аёли. Куйманиб, уй орасталашдан, ўчоқ-қозонга уннаб меҳмон қутишдан зерикмайдиган бека, тилига алла ярашаган она... Бу ерда эса унинг яна бир иқтидори намоён бўлмоқда. Бу иқтидорни неча юзлаб томошабинлар, ҳайратгир кўзлар томоша қилиб, тасанно ўқимокдалар. Вилоят аёллар кўмитаси ўтказган "Энг мохир ҳунарманд аёл"

кўрик-танловнинг ҳакамлари ҳам шу кўргазмага келиб Шаҳризод бегим гиламларини юқори баҳолади. Биринчи мукофотга лойиқ топди.

Ҳакамлар диққатини чўғдай тортган яна бир иш ўзбекона курсиларга мой буюк билан муҳрланган нақшлар бўлди. Каттагина столга эса шундай маҳорат билан

Бобурмирзо суврати туширилибди. Бу ишларни мусаввир ҳунарманд Салимаҳоним Акбаржонова бунёд қилган. Сал нарироқда ипаклари билан кўклар тароватини матога кўчирган каштадўз Хадичабону Акбарова ишлари қўйилган. Кашталарга қараб туриб шундоқ гўзалликни яратолган аёл албатта мохир пазанда, ширинсўз бека, муҳаббатли она бўлиши шубҳасиз. Қалбида бундай гўзаллиги бор аёлнинг Лайлилардан мерос ишққа садоқати ҳам шундай бўлса не ажаб. Ҳакамларнинг Салимаҳоним ва Хадичабегимларга иккинчи ва учинчи мукофотни беришга қарор қилганлари шундан.

Андижонликларнинг айтишича, аёлларнинг Фармонбувиса, ҳассос шоира, мохир нотик Турсуной Содикова билан аёл байрамлари ҳақида фикрлашаман:

— Аёлнинг ҳақиқий байрами унинг қалбдан шодлигида, кунларидан ризолигида, қадру ҳурматдан мамнунлигида. Совга эса бу катта қалбга йўл топиш, дардига малҳам тутиш, тилига чиқмагану кўзида акс этиб турган саволларига қониқарли жавоб топиш, деб ўйлайман. Аёлни бир кунгина эмас, ҳамisha эъзозда тутиш керак. Аёлга ўзидек зийрак, ўзидек нафис, ўзидек сеҳргарона

муносабатда бўлмоқни орзу қиламан.

— Андижонда Сиз айтгандай байраму сиз айтгандай совга-саломлар борми?

— Минг шукур, мустақилликка эришилган кундан бошлаб бор. Қўмитамиз бу борада ўз фаолиятини асосан уч йўналишда олиб боради.

Биринчиси, аёлнинг ижтимоий сиёсий ҳуқуқлари ҳимояси.

Иккинчиси, аёл оиласининг бутунлиги учун кураш. Яъни оила санъатидан дарс бериш. Аёл учун малол келмайдиган, кўнглида хавас уйғота олади бу дарслар.

Учинчиси, эртанги аёлнинг қай даражада миллий руҳ билан омукта яшаши. Назаримда мана шу уч йўналиш кўнглидагидек амалга ошса, ҳар бир кун унга байрам бўлишига шубҳам йўқ.

Яқинда ўтган одатдагидан ўзгачароқ бир анжуманни эслайман. Андижондаги барча мактабларнинг аълочи ўқувчилари,

олий билим юр்தларининг иқтидорли тоғибалари, кўнглида янги бир кашфиёт сеҳри билан яшаётган илмпешалар таклиф этилди бу анжуманга. Маданият кошонасининг ҳашаматли зали тўлиб кетди. Шунча иқтидорли қиз-жувонлари бор экан Андижоннинг. Бу ахир эртанги тараққиёт, эртанги юксаклик, эртанги илғор мамлакат деган сўз эмасми?

Икки кундан кейин 8-Март. Аёллар кўмитаси биносидаги катта зал меҳмонлар билан тўлади. Фақат аёллар деб ўйламанг, бу-байрамга қалбдан ҳис қилган алп йигитлар, вилоят раҳбарлари, корхоналар бошлиқлари... кўпчилик келади.

Байрам бўлганидан кейин совғаси билан, албатта. Ҳокимликнинг, аёллар кўмитасининг махсус совғалари эгаларига тегади. Булар энг яхши ҳунарманд аёлга, доно бекага, одобли, ибולי келинчакка, мохир муаллимага, тадбиркор деҳқон, энг яхши иш шароитлари яратган корхона раҳбарларига, аёллар саломатлиги муҳофазасига кўп жон куйдирган шифокорларга, хуллас, аёлнинг ҳар кунининг байрам бўлиши учун курашаётган фидойиларга берилади.

Замира РЎЗИЕВА,
"Ишонч" мухбири.



Барча шодлик сизга бўлсин,

Сиз билан кулсин қуёш.

Йўлларингиз нурга тўлсин,

Гул-чечаклар эгиб бош.

Козимжон ЎЛМАСОВ
олган сурат.

ҚАЛБИ ДАРЁЛАР

...Боланинг иссиғи баланд, аранг нафас олади, онаизор қўлидан келган муолижани қилиб кўради. Лекин боланинг аҳволи энгиллашай демайди. "Тез ердам" чақириб, зудлик билан уни 16-шаҳар шифохонасига олиб боради. Навбатчи еш шифокор Норбўта Жумаев она-болани ҳушмуомилалик билан қаршилаб, зарур муолижанинг ҳаммасини қўллайди. Бола эрталаб анча энгил тортади, иссиғи тўшади. Онанинг қувончи беҳад, шифокорга нукул жилмайиш билан миннатдорчилик билдиради.

Ҳа, дарвоқе 16-шаҳар касалхонаси "1-болалар ва бемор оналарни соғломлаштириш" бўлимининг шифокорлари ҳар бир келган она ва болани меҳрибонлик билан қабул қилиб, уларнинг соғайиб кетишлари йўлида сидқидилдан хизмат қиладилар.

— Ҳозир касалхоналарда етишнинг ўзи бўлмайди, дори-дармонлар тақчил, биров палон пулга топа олади, биров йўқ. Лекин тақчилликнинг бу бўлимга ҳеч қандай алоқаси йўқдай. Палаталар тоза, она ва болалар учун алоҳида каравотлар. Шифокору ҳамширалар улардан дамба-дам бохабар. Она-болалар учун "анқонинг уруғи" саналган дори-дармонлар ҳам дарров топилиб, беминнат хизмат кўрсатилади.

Бўлим бошлиғи Мамлакат Агамова ҳар бир беморга алоҳида эътибор билан қарашни барча ходимларидан талаб қилади. Одамгарчиликнинг бош мезони меҳроқибат. Уни юксак кадрловчи бу аёл билан ҳар бир она суҳбатлашиб ором олади.

— Бўлимимизга олиб келинган ҳар бир боланинг соғайиб кетиши учун қўлимиздан келган ердимиимизни аямаймиз, — дейди Мамлакат Агамова. — Уларнинг соғлиғи ва бахти учун курашиш муқаддас вазифамиз.

Шифокорлар Доно Мирбобоева, Норбўта Жумаевлар ҳар бир норасиданинг ҳаёти учун ўз жонларини фидо қилишга тайёр турадилар. Шундай меҳри дарё инсонлар билан фахрланмай бўладими?

Шоира МҮМИНОВА.

Бу йилни ЮНЕСКО ташкилоти халқаро "Оила йили" деб эълон қилинганлигини радио орқали эшитган Зарифа опа бир зум ўйга чўмди. Оила йилида ешлар ҳаёти мустаҳкамлансин. Мурғак гўдаклар тирик етим бўлишининг олди олинсин. Одамларнинг бир-бирига ҳурмати ошсин. Бунинг учун "Оила, мактаб, маҳалла" мулоқот кечаси ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади. У қишлоқда эл назарига тушган Саломат опа Эшонқулова, Рокия Абдурахмонова каби оилаларни кўз олдига келтирди. Саломат опа етти нафар ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказган. Барча ўғилларни уйлантириб, келинлар билан иноқликда яшамоқда. Фарзандлари жамоа хўжалигимизнинг турли жабҳаларида ишлашади. Қишлоқнинг кўрки шуларку. Рокия опанинг фарзандлари ҳам уйли-жойли. Чорвадор, механизатор бўлиб қишлоқ маҳсулотлари кўпайишига ҳисса қўшишмоқда. Улар ҳаёт тажрибалари ҳақида гапиришса, кўпчилик оила ҳаётининг

қонунларда ёзилмаган сир-асрорларидан хабардор бўларди. Мулоқотда юқори синф ўқувчилари иштирок этиши ҳам уларни бўлажак ҳаётга тайёрлаш бобида қўшимча сабоқ бўлади. Мулоқот бир пиёла чой устида ўтказилса...

ЭЛ АРДОҒИДАГИ РАИСА

Шу онда эшик очилиб, хонага ногирон Акбар Тожибоев кириб қолди.

— Опа, оиламизга кўрсатган моддий ердამларингиз учун миннатдорчилик билдиргани келдим. Такчиллик вақтида дорилар топишга ердამ бериб, кўнглимни тоғдек кўтардингиз. Уйимга табиий газ туширишга кетган харажатларни хўжалик ҳисобидан тўланишини ташқил этганлигингиздан хурсандимиз.

... Зарифа опа Дехқонбоева Пискент туманидаги "Ўзбекистон мустақиллиги" жамоа хўжалиги бошқаруви раислигига сайланганига саккиз йил бўлди. Шу даврда хўжалик касаба уюшмасининг тавсияси билан кўп оилалар ижтимоий ҳимоя

қилинди. Вақтинча иш қобилиятини йўқотган, моддий ердამга муҳтож бўлган оилалар турмушидан Зарифа опа доимо хабардор.

Боқувчисини йўқотган Шаҳодат Ҳамроева, Қўйсиной Муталова, Умида Товбаевалар хонадони раисадан хурсандлар. Умуммажлис қарори билан хўжаликда ишлаганларнинг дафи маросими учун текинга бир бош қўй, етарли даражада гуруч, ег

бериш одат тусини олган. Хўжалик боқувчисини йўқотган, ночор оилаларнинг моддий харажатларини кўтаради.

Раиса хўжаликда ишни хонадонларни газлаштиришни лойиҳалаштиришдан бошлаганди. Ўтган йили барча хонадонлар тўлиқ газлаштириб бўлинди. Қишлоқда биринчи бор ҳаммом қурилиб фойдаланишга топширилди. Икки қаватли савдо уйи эл хизматида. Бу ишларни амалга оширишда ҳар бир хонадон аҳлининг қувончидан рухланиб, гам-ташвишига шерик бўладиган кўпчиликнинг дилидагини топиб сўзлайдиган Зарифа опанинг уddaбурролиги қўл келмоқда. У хўжаликни бошқариш билан бирга жамоа ишларида фаол иштирок этади. Халқ депутатлари вилоят кенгашининг ноиб, туман хотин-қизлар кенгашининг аъзоси.

Шундай жонқуяр, меҳри дарё аёллар кўпаяверсин. Биз уларни кириб келаятган хотин-қизлар байрами билан чин дилдан табриқлаймиз.

"Ишонч" мухбири.

Бозор иқтисодиёти шароитида мустақил республикаимиз ҳукумати тармоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилаш, улар учун муайян имтиёзларни яратиб бериш имкониятларини қидириб топаётганлигини эътироф этмасдан иложи йўқ. Давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли республикаимизда ўқитувчи касбининг нуфузи ортиб борапти.

Жиззах давлат педогогика институти талабалари касаба уюшмаси қўмитаси раиси К.Исаев, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари Дўстлик, Бахмал туманлари қўмиталари раислари Н.Қозоқов, М.Жуманов, вилоят халқ таълими бошқармаси, Бахмал тумани халқ таълими бўлими молия хизмати ходимлари А.Худойқулова, Д. Усмонова, С. Жониқулов, Пахтакор туманидаги 1-мактаб директори Қабулова, Жиззах педагогика билим юрти касаба уюшмаси қўмитаси раиси Б.Қулжонов, ўқитувчилардан Т.Қодиров, М.Гаврилова саволлари асосида шу куннинг энг муҳим ва долзарб масалалари ўртага қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси раисининг ўринбосари А.Султонов, Марказий Қўмита масъул ходимлари А.Абдувоҳидов, А.Умарова, касаба уюшмалари Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари А.Ихтиёров, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитаси раиси Н.Ўролов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари Б. Акромов, вилоят тармоқ қўмитасининг ҳуқуқшуноси М.Зокировлар томонидан барча саволларга муфассал жавоб берилди.

Савол: 1,5 ёшгача бўлган фарзандини парвариш қилиш учун таътилда бўлган хомиладор аёлларга касаллик варақаси бўйича қандай ҳақ тўланади?

Жавоб: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1992 йил 23 сентябрдаги 19-9 сонли қарорига биноан фарзанд кўргандан кейин таътилда бўлган аёлларга меҳнаткашларнинг ойлик маош ҳақини ошириш тўғрисидаги сўнгги фармон ва қарорлар асосида нафақа тўланади. Бухгалтерия ходимлари нафақасини ҳисоб-китоб қилаётганларида ходимнинг ўша кунги ойлик маош ҳақи миқдорини ҳисобга олишлари шарт.

Савол: Ходимнинг навбатдаги меҳнат таътилин келгуси йилга ўтказиш ва унга ҳақ тўлаш тартиби қандай?

Жавоб: Мавжуд тартиб-қоидага кўра маъмурият ўз ташаббуси билан ходимнинг меҳнат таътилин келаси йилга кўчиришга рухсат бермайди. Фақат корхонанинг иш манфаатлари тақозо этган тақдирдагина бу нарсага йўл қўйилади. Ушанда ҳам ходимнинг ва касаба уюшмаси қўмитаси розилиги олинган бўлиши шарт. Бундай ҳолларда ходимнинг таътилга чиқиш олдидан ишлаб турган даврдаги ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб, ҳисоб-китоб қилинади. Икки йилдан ортиқ муҳлат учун ходимга меҳнат таътили бериш қатъий ман этилади.

Савол: Республика Президентининг фармонида биноан 1992 йилдан бошлаб олий ва ўрта махсус билим юртларининг талабаларига ҳар ойига ижара ҳақи тўлаб келинапти. Сўнгги йилларда нарх-навонинг ошиб кетганлиги инобатга олиниб, ижара ҳақи миқдори кўпайтириладими?

Жавоб: Касаба уюшмаларининг тармоқ Марказий Қўмитаси шу масала юзасидан тайёрлаган ҳужжат қабул

қилинганидан кейин талабаларга ҳар ой 350 сўмдан ижара ҳақи тўлаб бориш йўлга қўйилади.

Савол: Ходимнинг ота-онаси ёки яқин киши вафот этган пайтда маросимни ўтказиш учун унга ташкилот томонидан бериладиган моддий ёрдам

умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларининг ходимларига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Савол: 1 ёшдан 6 ёшгача ва 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган фарзандлар учун тўланадиган нафақа миқдори

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаларининг Жиззах вилоят қўмитаси тармоқ Марказий Қўмитаси билан биргаликда очиқ мулоқот кунини ўтказишди. Шаҳардаги мусиқа мактабида уюштирилган бу тадбирни ташкил этиш ва ўтказишда Пахтакор тумани хокимлиги фаол иштирок этди. Шу кунини бу ерда умумий таълим мактаблари, олий ва ўрта махсус билим юртлари раҳбарлари, касаба уюшма ташкилотларининг раислари, тармоқ фаоллари тўпландилар.

миқдори қанча сўмни ташкил этиши керак?

Жавоб: Бундай ҳолларда ходимга кўрсатиладиган моддий ёрдам миқдори чекланмайди. Фақат мазкур жамиятнинг молиявий имкониятларини ҳисобга олишга тўғри келади.

Савол: Йигирма беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ёки оғир бетоблиги сабабли нафақага чиққан халқ таълими тизими ходимлари ҳам муайян имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладими? Ўрта маълумотга эга бўлган умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларининг ходимлари ҳам шу тоифага кирадими?

Жавоб: 25 йил ёки ундан кўпроқ иш стажига эга бўлган педагог кадрларга узоқ йиллар узлуксиз ишлаганлиги учун бериладиган нафақа тайинланади. Унинг миқдори сўнгги ойлик иш миқдорининг 40 фоизини ташкил этмоғи лозим. Шу қоида ўрта маълумотга эга бўлган

кўпайтириладими?

Жавоб: Республика Президентининг 1993 йил 28 майдаги 607-сонли фармонида кўра фарзандларга давлат томонидан тўланадиган нафақа миқдори 2 баравар кўпайтирилади. Касаба уюшмаларининг тармоқ Марказий Қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига фарзандларга тўланадиган нафақа миқдорини кўпайтириш юзасидан махсус таклиф киритган. Мазкур масала яқин кунларда ижобий ҳал этилса керак.

Савол: Иккинчи гуруҳ ногиронлари ўз мутахассислиги бўйича ишлаш ҳуқуқига эгами?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Ўқувчилар илгари мактаб буфетларида тайёр таом ва озиқ-овқат маҳсулотларини ярим баҳосида харид қилишарди. 1994 йилнинг 1 январидан бошлаб бу тартиб бекор қилинди. Сабаби нима?

Жавоб: 1994 йил 4 январдан бошлаб айрим озиқ-овқат

маҳсулотлари чакана нархининг оширилганлиги туфайли юқори синф ҳамда узайтирилган кун гуруҳ ўқувчиларига тайёр таом ва озиқ-овқат маҳсулотларини мактаб буфетидан тўла баҳосида сотиб олишга тўғри келади. 1—5 синфнинг ҳар бир ўқувчисига нонушта учун маблағ ажратилапти. Мазкур синфларнинг ўқувчилари янги йилдан бошлаб бепул иссиқ нонушта билан таъминланапти.

Савол: Педагоглар хусусий-лаштирилган уй ва квартирани сотиш ҳуқуқига эгами?

Жавоб: Ҳа. Фақат сотилган уй ёки квартира пулининг 40 фоизи давлат жамғармасига тушмоғи лозим.

Савол: Электр қуввати ва бошқа ёқилғилардан фойдаланишда педагоглар қандай имтиёзларга эга?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги 582-сонли қарорига биноан педагогларга бир ойда 110 квтгача электр қувватидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Истеъмолчи белгиланган меъёрдан ортиқча фойдаланган электр қуввати учун унинг тўла баҳосини тўлаши лозим. Халқ таълими ходимларига иситилган ҳар бир печка учун бир йилда 1 тонна кўмир ажратилади. Кўмир билан таъминлаш имконияти бўлмаган тақдирда ташкилот унга сарфланадиган харажатнинг ўрнини қопламоғи шарт. Қишлоқда яшаётган ўқитувчиларнинг оиласидаги ҳар бир киши ойига 7,3 килограмм, оиласи эса 20 килограмм, бошқача айтганда, 2 баллон суюлтирилган газдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Рўзгор эҳтиёжлари учун табиий газдан фойдаланиш чекланмайди.

Савол: Меҳнат таътилида бўлган ходим ишга чақириб олинган тақдирда унга қандай тартибда иш ҳақи тўланади?

Жавоб: Меҳнат таътилидан чақириб олинган ходимга тўла миқдорда иш ҳақи тўланади.

Савол: Ходимга иш ҳақи, моддий ёрдам, мукофот пули бир йўла берилаётган чоғида даромад солиғи қандай ўшлаб қолинади?

Жавоб: Иш ҳақи ва мукофот пулидан махсус жадвал бўйича даромад солиғи ўшлаб қолинади. Ходимга берилаётган моддий ёрдам пулидан даромад солиғи олинмайди.

М.МАҲМУДОВ,
Касаба уюшмалари Жиззах вилояти
кенгаши матбуот маркази раҳбари.

